

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Тиб.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУДРАТХУЖАЕВА ШАХНОЗАХОН ШАВКАТИЛЛА ҚИЗИ

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИДА
НЕВРОЛОГИК АСОРАТЛАРНИНГ КЛИНИК-ПАРАКЛИНИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кудратхўжаева Шахнозахон Шавкатилла қизи

Болаларда сурункали буйрак касалликларида неврологик
асоратларнинг клиник-параклиник хусусиятлари..... 3

Кудратхужаева Шахнозахон Шавкатилла қизи

Клинико-параклиническая характеристика неврологических
осложнений у детей с хронической болезнью почек..... 31

Kudratkhujueva Shakhnozakhon Shavkatilla kizi

Clinical-paraclinical characteristics of neurological complications
in children with chronical kidney disease..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 66

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Тиб.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУДРАТХУЖАЕВА ШАХНОЗАХОН ШАВКАТИЛЛА ҚИЗИ

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИДА
НЕВРОЛОГИК АСОРАТЛАРНИНГ КЛИНИК-ПАРАКЛИНИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib3555 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саидходжаева Саида Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Шамансуров Шаанвар Шамурадович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахророва Шахло Ботировна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.А. Аликулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сурункали буйрак касаллиги (СБК) глобал тиббий, иқтисодий ва ижтимоий муаммо ҳисобланади. СБК сурункали юқумли бўлмаган касалликлар орасида алоҳида ўрин тутаяди, у кенг тарқалган бўлиб, ҳаёт сифатининг кескин ёмонлашиши, юқори ўлим билан боғлиқ ва терминал босқичида диализ ва буйрак трансплантацияси каби қиммат алмаштириш терапияси усулларига эҳтиёж кучаяди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...аҳолининг ўртача 11-13% турли босқичларда сурункали буйрак касаллигидан азият чекади...»¹. Болалар орасида, айниқса эрта босқичларда СБК тарқалишининг ортиб бориши, СБКнинг неврологик асоратлари диализдан олдинги босқичида беморларнинг 70 фоизгача ва диализ босқичида беморларнинг 90 фоизгача ҳолларда кузатилиши касалликнинг клиник-неврологик ва биокимёвий хусусиятларини ўрганиш орқали касалликни эрта ташхислаш усуллариини такомиллаштириш ва неврологик асоратларни башорат қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда СБК билан хасталанган бемор болаларда марказий ва периферик асаб тизимларининг асоратларини ташхислаш ва башорат қилиш ҳамда уларни даволашга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда. Бу борада сурункали буйрак касаллиги нинг неврологик асоратлари ривожланишида нейровизуализация, электроэнцефалография, электронейромиография, аудиометрия ва уйғотилган потенциаллар кўрсаткичлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. СБК бўлган болаларда патологик жараёнда асаб тизими зарарланиши ҳолатлари кўпайиши ва бундай беморларда оғир неврологик асоратларнинг ривожланиш хавфини ортишини эътиборга олган ҳолда, СБК бўлган болаларда неврологик асоратларни эрта ташхислаш ва башорат қилиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...болалар ва катта ёшдаги аҳоли ўртасида энг кўп тарқалган касалликларнинг асосий йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган, юқори технологияли диагностика, даволаш ва профилактика тиббий ёрдами кўрсатишга бўлган эҳтиёжни қондириш...»² вазифаси белгиланган. Бу борада болаларда сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларда неврологик асоратларнинг клиник-параคลินิก хусусиятларини аниқлаш, ривожланиши ва авж олишини башоратлаш ва эрта тасхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

¹ <http://www.who.int/meiacentre>, 2022

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги” Фармони.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 сентябрдаги ПФ-156-сон «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 6 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги, 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамиди аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, болаларда уремик энцефалопатияларнинг тиббий-ижтимоий аҳамияти нейрокогнитив бузилишларнинг кенг спектри билан боғлиқ маълумотлар 10 дан 60% оралиғида аниқланган (Gupta J. et al., 2015), сурункали буйрак касаллигида қон босими ошиши оқибатида электролитлар балансининг бузилиши аниқланган ва когнитив бузилиш хавф омили сифатида аниқланган (Arnold J., Sims D., 2016;), электроэнцефалография (ЭЭГ) сурункали буйрак касаллигини даволашда прогностик кўрсаткич сифатида қўлланилиши аниқланган (Gadewar P, 2018), сурункали буйрак касаллигида инсульт ва деменция ривожланиши аниқланган (Shinji Tanaka, 2020), аудиометрия текширув усулини қўллаш орқали асаб тизимида структуравий ва функционал зарарланишининг олдини олиш бўйича специфик ўзига хос белгилари аниқланган (Safdar O, Sindi S, 2020), альбуминуриянинг асаб тизимида салбий таъсири ва нейро психик бузилишларда башорат қилувчи муҳим клиник кўрсаткичлиги исботланган, сурункали буйрак касаллигида марказий асаб тизими бузилишида цистатин С ва креатинин лаборатор маркерлар эканлиги аниқланган (Rebecca J. Johnson, 2021).

Сурункали буйрак касаллиги этиопатогенезида генетик мойилликнинг аҳамияти исботланган (Абасеева Т.Ю., Панкратенко Т.Е., 2015), Covid-19 да патологик жараёнга буйраклар жалб этилиши (Томилина Н.А., Фролова Н.Ф. и соавт., 2021), сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда дастлабки босқичларда диққат, хотира ва психомотор функцияларнинг бузилиши каби марказий асаб тизимидаги ўзгаришлар (Дамулин И.В., Воскресенская О.Н. 2017), сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда асаб тизимидаги

ўзгаришларнинг сабабларидан бири ҳисобланган буйраклар ва мия томирлари анатомик тузилиши ҳамда уларнинг тартибга солиш тизимининг ўхшашлиги, бир-бирининг функциясига ўзаро таъсири, физиологик жараёнларни тартибга солишнинг гуморал ва гуморал бўлмаган усулларининг икки томонлама ҳаракати (Синюхин В.Н. и соавт., 2017) баҳоланган.

Туғма нуқсонли касалликлари билан оғриган болаларда ички аъзолар ва асаб тизимининг тизимли зарарланиши (Аҳмедова Д.И., Абидова М.Д., 2023), соматик касалликлар, хусусан сурункали буйрак касаллигида неврологик асоратларни ташхислаш усуллари (Юсупалиева Г.А., Собирова Б.А., 2021), сурункали буйрак касаллиги нинг терминал босқичида цереброваскуляр бузилишлар ривожланишининг омиллари (Кудратова Ш.Р., 2024), сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда совуқ синовга бўлган жавобининг турли хил реакциялари билан намоён бўладиган вегетатив асаб тизимининг дисфункцияси аниқланган (Саноева М.Ж. Рахматова Д.И., 2025).

Шундай қилиб, сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларда патологик жараёнга асаб тизими жалб этилиши ҳолатлари кўпайиши бундай болаларда неврологик асоратларнинг ривожланиши ва авж олишини башоратлаш, клиник ва лаборатор белгиларини аниқлаш, эрта тасхислаш ва коррекцион чораларни қўллашни талаб этади ва диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 01980006703-сон «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни диагностикаси, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш» (2021-2024 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларда клиник-неврологик хусусиятлар ва неврологик асоратларнинг ривожланишини прогноз қилувчи хавф омилларини аниқлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларда неврологик кўрсаткичларнинг характери ва структурасини касалликнинг босқичи ва давомийлигига қараб тавсифлаш;

сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларда электрофизиологик ва нейровизуализация усуллари орқали нерв тизимининг функционал ҳолатини баҳолаш;

сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларда неврологик асоратларнинг ривожланишини прогнозлаш учун прогноз омилларини аниқлаш;

сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларда касаллик босқичи ва неврологик синдромларга қараб ҳаёт сифати кўрсаткичларини баҳолаш;

неврологик дефицитни тўғрилаш, тиббий ва ижтимоий реабилитация мақсадида сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларни бошқариш учун алгоритм ва тактикаларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022-2024 йиллар давомида Болалар миллий тиббиёт маркази клиникасининг болалар нефрологияси бўлимида неврологик асоратлар билан кечаётган сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган 140 нафар бемор ва 20 нафар соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида периферик қон ва қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник маълумотлар таҳлили, болаларда ҳаёт сифати баҳолаш шкаласи (PedsQL 4.0), Равена тести, электрофизиологик (ЭЭГ, ЭНМГ), нейровизуализация (МРТ бош мия), аудиометрия ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали буйрак касаллиги билан оғриган болаларда асаб тизимининг шикастланиш даражаси ва томирлар кальцификацияси ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги сабабли астеноневротик синдромли беморларда касаллик 3 йилгача, энцефалопатия синдромли болаларда - 5 йил ва периферик нейропатия синдромли болаларда - 3-5 йил ва 5 йилдан ортиқ давом этганлиги аниқланган;

сурункали буйрак касаллиги билан оғриган болаларда уремик энцефалопатия ривожланиши сабабли аралашган ва аксонал табиатли нервларнинг шикастланиши, субарахноидал бўшлиқ ва қоринча тизимининг кенгайиши, превенрикуляр лейкомаляция ва кичик субкортикал ишемия ўчоқлари, қадокли тана ва мияча гипотрофияси кучли бош оғриғи симптомлари билан кечиши аниқланган;

илк бор гемодиализ амалиёти ўтказилган сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларда буйрак нефронлари ва қулоқ бўшлиғи хужайраларида ўхшаш жараён кечиши натижасида талваса синдроми, нейросенсор карлик ҳамда когнитив бузилишлар ривожланиши исботланган;

гемодиализ амалиёти ўтказилган сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларда аксонал деградацияси яққол ифодаланганлиги сабабли диализ полинейропатияси ривожланиб, қўзғалувчанлик тарқалиш тезлиги ва М-амплитуданинг жавоби пасайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали буйрак касаллиги билан оғриган болаларда неврологик синдромларнинг ривожланишини эрта прогнозлаш мақсадида қондаги креатинин, мочевина, калий, паратгормон даражасини аниқлаш тавсия этилган;

сурункали буйрак касаллиги билан оғриган болаларда ривожланаётган периферик полинейропатияни электронейромиографик текширув орқали барвақт аниқлаш ва буйрак фаолиятини мониторинг қилиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, биокимёвий, гемореологик, ультратовуш, статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги,

шунингдек, олинган тадқиқот натижалар ҳамда хулосаларни халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали буйрак касаллиги билан оғриган болаларда асаб тизимининг шикастланиш даражаси билан томирлар кальцификацияси ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги сабабли астеноневротик 3 йилгача, энцефалопатия 5 йил ва периферик нейропатия синдромли беморларларда "3-5 йил" ва "5 йилдан ортиқ" касаллик давомийлиги бўлиши, сурункали буйрак касаллиги билан оғриган болаларда аралашган ва аксонал табиатли нервларнинг шикастланиши, субарахноидал бўшлиқ ва қоринча тизимининг кенгайиши, превенрикуляр лейкомаляция ва кичик субкортикал ишемия ўчоқлари, қадоқли тана ва мияча гипотрофияси уремик энцефалопатия ривожланиши сабабли, кучли бош оғриғи симптомлари билан кечиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илк бор сурункали буйрак касаллиги билан оғриган гемодиализ амалиёти ўтказилган болаларда буйрак нефронлари ва кулоқ бўшлиғи хужайраларида бир хил жараён кечиши орқали талваса синдроми, нейсонсор карлик ҳамда когнитив бузилишлар ривожланиши, гемодиализ амалиёти ўтказилган болаларда аксонал деградацияси яққол ифодаланганлиги сабабли диализ полинейропатияси ривожланиб, қузгалувчанлик тарқалиш тезлиги ва М-амплитуданинг жавоби пасайиши аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши. Сурункали буйрак касаллиги бўлган бемор болаларда электрофизиологик ва нейровизуализацион текширувлар орқали клиник ва параклиник хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: сурункали буйрак касаллиги билан оғриган болаларда асаб тизимининг шикастланиш даражаси ва томирлар кальцификацияси ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги сабабли астеноневротик синдромли беморларда касаллик 3 йилгача, энцефалопатия синдромли болаларда - 5 йил ва периферик нейропатия синдромли болаларда - 3-5 йил ва 5 йилдан ортиқ давомийлиги бўлиши Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 20.01.2025 йилдаги №10-сон буйруқ ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бўйича 06.02.2025 йилдаги №23-сон буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025 йил 11 апрелдаги 00074-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* сурункали буйрак касаллиги билан оғриган болаларда асаб тизимининг шикастланиши астеноневротик, энцефалопатия ва периферик нейропатия синдромлари билан намоён бўлиши, СБК давомийлиги астеноневротик синдромли беморларда кўпинча 3 йилгача, энцефалопатия синдромли беморларда асосан 5 йилдан ортиқ, периферик нейропатия синдроми билан кечаётган беморлар орасида кўпгина ҳолларда "3-5 йил" ва "5 йилдан ортиқ" бўлиши

мутахассислар томонидан сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларда неврологик асоратларни эрта ташхислашда аниқ диагностик мезонлардан фойдаланишга ва неврологик нуқсонларни коррекциялаш, тиббий ва ижтимоий реабилитацияни амалга ошириш учун беморларни бошқаришнинг самарали алгоритм ва тактикани қўллаш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* сурункали буйрак касаллиги билан оғриган болаларда асаб тизимининг шикастланиши астеноневротик, энцефалопатия ва периферик нейропатия синдромлари билан намоён бўлиши, сурункали буйрак касаллиги давомийлиги астеноневротик синдромли беморларда кўпинча 3 йилгача, энцефалопатия синдромли беморларда асосан 5 йилдан ортиқ, периферик нейропатия синдроми билан кечаётган беморлар орасида кўпгина ҳолларда "3-5 йил" ва "5 йилдан ортиқ" бўлишини эътиборга олиш касалликни ташхислашда қўшимча текширувлардан (МРТ) воз кечиш ҳисобига бир текширувга сарфланадиган 290 000 сўм, 140 нафар беморга 40 600 000 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* сурункали буйрак касаллиги билан оғриган болаларда асаб тизимининг шикастланиши астеноневротик, энцефалопатия ва периферик нейропатия синдромлари билан намоён бўлиши, СБК давомийлиги астеноневротик синдромли беморларда кўпинча 3 йилгача, энцефалопатия синдромли беморларда асосан 5 йилдан ортиқ, периферик нейропатия синдроми билан кечаётган беморлар орасида кўпгина ҳолларда "3-5 йил" ва "5 йилдан ортиқ" бўлиши исботланиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 120 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 290 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: сурункали буйрак касаллиги билан оғриган болаларда уремик энцефалопатия ривожланиши сабабли аралашган ва аксонал табиатли нервларнинг шикастланиши, субарахноидал бўшлиқ ва қоринча тизимининг кенгайиши, превенрикуляр лейкомаляция ва кичик субкортикал ишемия ўчоқлари, қадоқли тана ва мияча гипотрофияси кучли бош оғриғи симптомлари билан кечиши аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 20.01.2025 йилдаги №10-сон буйруқ ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бўйича 06.02.2025 йилдаги №23-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025 йил 11 апрелдаги 00074-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* сурункали буйрак касаллиги билан оғриган болаларда аралашган ва аксонал табиатли нервларнинг шикастланиши, субарахноидал бўшлиқ ва қоринча тизимининг кенгайиши, превенрикуляр лейкомаляция ва кичик субкортикал ишемия ўчоқлари, қадоқли тана ва мияча гипотрофияси уремик энцефалопатия ривожланиши невролог, педиатр ва болалар нефрологи мутахассислари томонидан СБК бўлган болаларда асаб тизимининг шикастланишини эрта ташхислашда ўзига хос электрофизиологик ва нейровизуляцион диагностик мезонлардан фойдаланишга ҳамда беморларни бошқаришнинг самарали тактикасини қўллаш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий*

самарадорлиги: болаларда СБКнинг дастлабки босқичларида электроэнцефалографияда беморлар ёшига мос даврий ўткир тўлқинлар ва юқори частота диапазонида ритм ассимиляцияси билан кечадиган фонлик биоэлектрик фаоллик ритмлари аниқланиши, кейинги босқичларда стимуляцияга реактивликнинг пасайиши, тета тўлқин фаоллигининг устунлиги билан ритмнинг секинлашиши, маҳаллий ва билатерал-синхрон табиатга эга бўлган эпифеноменлар, асимптоматик, симптоматик ва ногиронлаштирувчи нейропатия, аралашган ва аксонал табиатли нервларнинг шикастланиши, енгилдан оғир даражасигача бўлган субарахноидал бўшлиқ ва қоринча тизимининг кенгайиши, ПВЛ ва кичик субкортикал ишемия ўчоқлари, қадокли тана ва мияча гипотрофияси аниқланиши орқали касалликни ташхислаш муддатини қисқартириш ҳамда самарали беморларни олиб бориш тактикасини бегилаш имконини яратган (БМТМ клиникасининг преискурантига кўра беморнинг клиникада бир кунлик ҳаражати ўртача 120 000 сўмни ташкил этади, эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини белгилаш натижасида 140 нафар бемор ҳисобидан 151 200 000 сўм маблағ иқтисод қилинади). *Хулоса:* болаларда СБКнинг дастлабки босқичларида электроэнцефалографияда беморлар ёшига мос даврий ўткир тўлқинлар ва юқори частота диапазонида ритм ассимиляцияси билан кечадиган фонлик биоэлектрик фаоллик ритмлари аниқланиши, кейинги босқичларда стимуляцияга реактивликнинг пасайиши, тета тўлқин фаоллигининг устунлиги билан ритмнинг секинлашиши, маҳаллий ва билатерал-синхрон табиатга эга бўлган эпифеноменлар, асимптоматик, симптоматик ва ногиронлаштирувчи нейропатия, аралашган ва аксонал табиатли нервларнинг шикастланиши, енгилдан оғир даражасигача бўлган субарахноидал бўшлиқ ва қоринча тизимининг кенгайиши, ПВЛ ва кичик субкортикал ишемия ўчоқлари, қадокли тана ва мияча гипотрофияси аниқланиши орқали касалликни ташхислаш муддатини қисқартириш ҳамда самарали беморларни олиб бориш тактикасини бегилаш орқали 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 120 000 сўм ва бюджетдан ташқари маблағларни 55 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: илк бор гемодиализ амалиёти ўтказилган сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларда буйрак нефронлари ва кулоқ бўшлиғи хужайраларида ўхшаш жараён кечиши натижасида талваса синдроми, нейросенсор карлик ҳамда когнитив бузилишлар ривожланиши исботланлиги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 20.01.2025 йилдаги №10-сон буйруқ ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бўйича 06.02.2025 йилдаги №23-сон буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025 йил 11 апрелдаги 00074-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* қон босимининг ошиши, мочевина миқдорининг ошиши ва Д витамини миқдорининг пасайиши бош миянинг яққол намоён бўладиган шикастланишига олиб келиши, периферик нейропатиянинг I босқичи диагностикасида қон зардобда паратгормон сезувчанлигива ўзига

хослигининг сезиларли даражада ишончли ошиши, периферик нейропатиянинг II босқичи диагностикасида креатинин, мочевина, калий, ЭЧТ, ферритин ва паратгормон кўрсаткичларининг диагностик аҳамияти, қон босимининг ошиши, ўтказилган гемодиализ амалиёти, креатинин, мочевина, калий, калций ва паратгормон ҳамда нейросенсор карликнинг ривожланиши ўртасида ишончи корреляциянинг мавжудлиги невролог, педиатр ва болалар нефрологи мутахассислари томонидан СБК бўлган болаларда неврологик асоратларни эрта ташхислашда ўзига хос клиник ва лаборатор башоратловчи белгилардан фойдаланиш ҳамда беморларни бошқаришнинг самарали тактикасини қўллаш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* қон босимининг ошиши, мочевина миқдорининг ошиши ва Д витамини миқдорининг пасайиши бош миянинг яққол намоён бўладиган шикастланишига олиб келиши, периферик нейропатиянинг I босқичи диагностикасида қон зардобида паратгормон сезувчанлиги ва ўзига хослигининг сезиларли даражада ишончли ошиши, периферик нейропатиянинг II босқичи диагностикасида креатинин, мочевина, калий, ЭЧТ, ферритин ва паратгормон кўрсаткичларининг диагностик аҳамияти, қон босимининг ошиши, ўтказилган гемодиализ амалиёти, креатинин, мочевина, калий, калций ва паратгормон ҳамда нейросенсор карликнинг ривожланиши ўртасида ишончи корреляциянинг мавжудлиги исботланиши орқали касалликни ташхислаш муддатини қисқартириш ҳамда СБК бўлган беморларни самарали бошқариш имконини яратган (БМТМ клиникасининг преискурантига кўра беморнинг клиникада бир кунлик ҳаражати ўртача 120 000 сўмни ташкил этади, эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини белгилаш натижасида 140 нафар бемор ҳисобидан 151 200 000 сўм маблағ иқтисод қилинади). *Хулоса:* қон босимининг ошиши, мочевина миқдорининг ошиши ва Д витамини миқдорининг пасайиши бош миянинг яққол намоён бўладиган шикастланишига олиб келиши, периферик нейропатиянинг I босқичи диагностикасида қон зардобида паратгормон сезувчанлиги ва ўзига хослигининг сезиларли даражада ишончли ошиши, периферик нейропатиянинг II босқичи диагностикасида креатинин, мочевина, калий, ЭЧТ, ферритин ва паратгормон кўрсаткичларининг диагностик аҳамияти, қон босимининг ошиши, ўтказилган гемодиализ амалиёти, креатинин, мочевина, калий, калций ва паратгормон ҳамда нейросенсор карликнинг ривожланиши ўртасида ишончи корреляциянинг мавжудлиги исботланиши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 120 000 сўм ва бюджетдан ташқари маблағларни 225 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: гемодиализ амалиёти ўтказилган сурункали буйрак касаллиги бўлган болаларда аксонал деградацияси яққол ифодаланганлиги сабабли диализ полинейропатияси ривожланиб, кўзгалувчанлик тарқалиш тезлиги ва М-амплитуданинг жавоби пасайиши аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 20.01.2025 йилдаги №10-сон буйруқ ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бўйича 06.02.2025 йилдаги №23-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2025 йил 11 апрелдаги 00074-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* гемодиализ амалиёти ўтказилган болаларда аксонал деградиацияси яққол ифодаланганлиги сабабли диализ полинейропатияси ривожланиб, қузгалувчанлик тарқалиш тезлиги ва М-амплитуданинг жавоби пасайиши аниқланиши сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларни бошқаришнинг самарали тактикасини қўллаш имконини беради. Бундай беморларни бошқариш бўйича тавсия этилган алгоритм беморларда неврологик нуқсонларни коррекциялаган, тиббий ва ижтимоий реабилитация жиҳатидан ижобий натижалар берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* СБКнинг авж олиши натижасида беморларнинг ҳаёт сифати ёмонлашиши, периферик нейропатия синдроми бўлган беморларда бошқа синдромларга нисбатан жисмоний ва ижтимоий фаолиятни баҳоловчи субшкалалар кўрсаткичларининг пасайиши, гемодиализдаги болаларда ижтимоий фаолиятни баҳоловчи субшкала бўйича сезиларли даражада паст кўрсаткичлар аниқланиши беморларда касалликни эрта ташхислаш ва клиник кечишини башоратлаш самарадорлигини 72,8%га оширган. Бунинг негизида беморларнинг даволанишга қаратилган пуллик ҳаражатлари 1,2 бараварга камайган (ТошПТИ клиникасининг прејскурантига кўра беморнинг клиникада бир кунлик ҳаражати ўртача 120 000 сўмни ташкил этади, эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини белгилаш натижасида 140 нафар бемор ҳисобидан 16 800 000 сўм маблағ иқтисод қилинади). *Хулоса:* СБКнинг авж олиши натижасида беморларнинг ҳаёт сифати ёмонлашиши, периферик нейропатия синдроми бўлган беморларда бошқа синдромларга нисбатан жисмоний ва ижтимоий фаолиятни баҳоловчи субшкалалар кўрсаткичларининг пасайиши, гемодиализдаги болаларда ижтимоий фаолиятни баҳоловчи субшкала бўйича сезиларли даражада паст кўрсаткичлар аниқланиши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 240 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 250 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан, 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлардан 7 та мақола, жумладан, 3 та республика, 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабга жавоб бериши, диссертация ишининг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологияларининг устувор ривожланиш йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилик ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмасига оид маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Сурункали буйрак касаллиги – замонавий таърифи, этилогияси, баъзи патогенезик жиҳатлари, неврологик асоратлар (адабиётлар шархи)**» касалликнинг эпидемиологик жиҳатлари таҳлил қилинган, болалар ёшида тез-тез учрайдиган сурункали буйрак касаллигининг этилогик сабаблари, шунингдек, буйрак касаллиги фонида марказий ва периферик нерв тизими зарарланишининг патогенезик ва патофизиологик жиҳатлари келтирилган, СБКда неврологик бузилишларни диагностика қилишга, инструменталлариз ва лабораторияларга алоҳида еътибор қаратилган. Ўрганилаётган масаланинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган, йиғилган билимлардаги баъзи бўшлиқлар аниқланган ва уларни тўлдириш зарурати кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Тадқиқот дизайни, материаллар ва усуллар**» клиник материалнинг умумий тавсифи, беморларга ўтказилган асосий тадқиқот усуллари баён қилинган.

Диссертацион тадқиқот 2022-2024 йиллар давомида Республикадаги Миллий болалар тиббиёт марказининг нефрология бўлимида режалаштирилган даволанишни ўтаётган, ХБК фонида неврологик асоратларга дучор бўлган беморларни кузатиш натижаларини таҳлил қилиш асосида олиб борилди. Тадқиқот дизайни – проспектив «ҳолат-контролл» типиди бўлди.

Умуман олганда, 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган 140 бемор текширилди, уларнинг ўртача ёши $12,7 \pm 0,25$ йилни ташкил этди ($Me=12,67$ йил; интерквартил масофа (ИҚР) = 5,58 йил). Текширилган беморлар орасида 79 нафар ўғил болалар (56,4%) ва 61 нафар қиз болалар (43,6%) мавжуд.

Сурункали буйрак касаллигининг давомийлиги ўртача $5,7 \pm 0,28$ йилни ташкил этди ($Me=5$ йил, $IQR=4,53$ йил).

1-жадвал

Беморларнинг ёш ва жинс бўйича тақсимланиши

Ёш	Ўғил болалар		Қиз болалар		Умумий	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
7-14 ёш	57	40,7	44	31,4	101	72,1
15-17 ёш	22	15,7	17	12,2	39	27,9
Жами	79	56,4	61	43,6	140	100

Тадқиқот гуруҳига киритиш мезонлари: 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган беморлар; этиологияси турли хил бўлган ва 3 ойдан ортиқ давом етган буйрак касаллиги мавжудлиги (сурункали буйрак касаллиги); яқин қариндошларда буйрак патологиясининг йўқлиги; тадқиқотга розилик берилганлиги ҳақида хабардор бўлиш.

СБК билан оғриган беморларда KDIGO (2024 йил) тавсияларига биноан, КФТ га қараб буйрак функциясининг бузилиш босқичлари белгиланди (2-жадвал).

2-жадвал

КФТ га қараб СБК босқичлари

СБК босқичлари	абс.	%
1 босқич (СКФ ≥ 90 мл/мин/1,73м ²)	30	21,43
2 босқич (СКФ 60-89 мл/мин/1,73м ²)	28	20
3а босқич (СКФ 45-59 мл/мин/1,73м ²)	11	7,85
3б босқич (СКФ 30-44 мл/мин/1,73м ²)	20	14,3
4 босқич (СКФ 15-29 мл/мин/1,73м ²)	13	9,28
5 босқич (СКФ <15 мл/мин/1,73м ²)	38	27,12

Жадвалдан кўриниб турибдики, болалар орасида буйрак функциясининг бузилиши 5-босқичда бўлган беморлар кўпчиликти ташкил қилган. 25 нафар (17,85%) болага гемодиализ ўтказилган. СБКнинг оғирлик даражасига қараб, беморлар 5 гуруҳга бўлинган.


I гуруҳ (C1) – 1-босқичдаги СБК билан оғриган 30 нафар бемор, уларнинг ўртача ёши $15,14 \pm 0,29$ йилни ташкил этди, касаллик давомийлиги ўртача $3,99 \pm 0,37$ йил. Уларнинг 16 нафари ўғил болалар (53,3%), 14 нафари эса қиз болалар (46,7%).

II гуруҳ (C2) – 2-босқичдаги СБК билан оғриган 28 нафар бемор, уларнинг ўртача ёши $11,03 \pm 0,63$ йилни ташкил этди, касаллик давомийлиги ўртача $5,04 \pm 0,65$ йил. Уларнинг 15 нафари ўғил болалар (53,6%), 13 нафари эса қиз болалар (46,4%).

III гуруҳ (C3а+C3б) – 3а босқичдаги СБК билан оғриган 11 нафар бемор, 3б босқичида эса 20 нафар бемор, уларнинг ўртача ёши $11,58 \pm 0,37$ йилни ташкил этди, касаллик давомийлиги ўртача $5,64 \pm 0,46$ йил. Уларнинг 27 нафари ўғил болалар (77,4%), 4 нафари эса қиз болалар (22,6%).

IV гуруҳ (C4) – 4-босқичдаги СБК билан оғриган 13 нафар бемор, уларнинг ўртача ёши $12,03 \pm 0,56$ йилни ташкил этди, касаллик давомийлиги ўртача $6,9 \pm 0,84$ йил. Уларнинг 4 нафари ўғил болалар (30,8%), 9 нафари эса қиз болалар (69,2%).

V гуруҳ (C5) – 5-босқичдаги СБК билан оғриган 38 нафар бемор, уларнинг ўртача ёши $13,28 \pm 0,52$ йилни ташкил этди, касаллик давомийлиги ўртача $7,3 \pm 0,61$ йил. Уларнинг 20 нафари ўғил болалар (52,6%), 18 нафари эса қиз болалар (47,4%).



1-расм. СБК босқичлари, KDIGO (2024 йил) тавсияларига биноан беморларда


Назорат гуруҳи 20 та деярли соғлом ва ёш ва жинс бўйича асосий гуруҳга мос келадиган болалардан иборат еди.

Кўйилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ХБК билан оғриган болалар кенгайтирилган тиббий текширувдан ўтказилди, бу текширувга жисмоний ривожланишни баҳолаш, неврологик ҳолатни текшириш, нейрофизиологик текширув усуллари (электронийеромиография, электроэнцефалография) кирган, ешитиш пасайишини аниқлаш мақсадида - аудиометрия, бош миянинг магнит-резонанс томографияси ўтказилди. Гемограмма, коагулограмма, қоннинг биокимёвий таҳлили (креатинин, мочевино), қондаги Д витамини даражаси, паратормон ҳақида маълумотлар таҳлил қилинди. Клинико-неврологик текширув умумқабул қилинган методика бўйича ўтказилди ва унга шикоятларни йиғиш, тиббий хужжатларни таҳлил қилиш ва неврологик ҳолатни баҳолаш кирган. Нейропатия босқичлари Дуск Р.Ј. нинг болалар учун модификациясига мувофиқ Хугх Ж. МсМиллан, Моникүе М. Рян (2015) томонидан аниқланган. Беморларнинг интеллектуал ривожланишини баҳолаш учун Равеннинг прогрессив матрицаси, Д. Равен ва Л. Пенроуз томонидан ишлаб чиқилган, кейинчалик Н. Семаго ва М. Семаго томонидан модификация қилинган қўлланилди. Беморларнинг ҳаёт сифати Quality of Life Scale (PedsQL 4.0 Generic Core Scales). бўйича баҳоланди.

Олинган маълумотларнинг статистика таҳлили Statistical Package for social Sciences-22 (SPSS, IBM, USA) дастурий пакетидадан фойдаланиб амалга оширилди. Но параметрик маълумотлар учун ўртача қийматлар (М), стандарт хатоликлар (СД), ўртача квадрат хатоликлар (м), медиан (Ме), пастки ва юқори кватил қийматлари ҳисобланди. Натижалар ишончилиги χ^2 -тест ёрдамида баҳоланди, ўртача параметрик кўрсаткичларнинг таққосланиши Студентнинг т-тестига, но параметрик кўрсаткичларнинг таққосланиши Уилкоксон тести (З) орқали амалга оширилди, ишончли интервални $P < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида ҳисоблашди. Олинган маълумотлар орасидаги боғланишларни ўрганишда Пирсон ва Спирман корреляция коэффициентларидан фойдаланилди. Лаборатория маълумотларининг прогнозлашдаги аҳамиятини

аниқлаш учун ROC-таҳлилидан, касалликнинг ривожланиши хавфини прогнозлашда – кўп факторли регрессия таҳлилидан фойдаланилди.


Диссертациянинг учинчи бобида «Текширувдан ўтган беморларнинг клиник хусусиятлари» келтирилган. Тадқиқот гуруҳлари бўйича беморларнинг ёш хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида, I ва V гуруҳларидаги беморларнинг ўртача ёши бошқа гуруҳларга нисбатан катта бўлгани аниқланди.



2-расм. Касаллик давомийлиги тадқиқот гуруҳларида


СБКнинг турли босқичларидаги беморлар орасида касаллик давомийлиги таҳлил қилинди. C1 босқичидаги СБК билан оғриган беморлар орасидаги касаллик давомийлиги ўртача $3,99 \pm 0,37$ ($Me=4$; $IQR=2,65$) йилни ташкил этди. C2 босқичидаги СБК билан оғриган беморлар орасидаги касаллик давомийлиги ўртача $5,04 \pm 0,65$ ($Me=4,5$; $IQR=6,9$) йилни, C3 босқичидаги ХБК билан оғриган беморлар орасидаги касаллик давомийлиги ўртача $5,64 \pm 0,46$ ($Me=5,5$; $IQR=3,7$) йилни, C4 босқичидаги беморлар орасидаги касаллик давомийлиги ўртача $6,9 \pm 0,84$ ($Me=6,1$; $IQR=3,9$) йилни ва C5 босқичидаги беморлар орасидаги касаллик давомийлиги ўртача $7,3 \pm 0,61$ ($Me=6,5$; $IQR=5$) йилни ташкил этди (2-расм).

КФТ кўрсаткичлари ва касаллик давомийлиги ўртасида заиф салбий корреляция аниқланган ($r=-0,395$; $p<0,001$) (3-расм).



3-расм. СКФ ва касаллик давомийлиги ўртасидаги корреляцион боғланишлар

Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг касаллик давомийлиги бўйича тақсимланиши таҳлил қилинди. Шундай қилиб, касаллик давомийлиги 3 йилгача бўлган беморлар III гуруҳда (12 нафар; 42,9%) кўпчиликни ташкил этди, 3-5 йил давом етган беморлар II гуруҳда (13 нафар; 43,3%) ва 5 йилдан ортиқ касаллик давомийлиги бўлган беморлар V гуруҳда (24 нафар; 63,2%) кўпчиликни ташкил қилди ($\chi^2=32,9$; $p<0,001$) (4-расм).



4-расм. Тадқиқот гуруҳларидаги касаллик давомийлиги (%)

Шундай қилиб, IV ва V босқичли беморлар орасида касаллик давомийлиги 5 йилдан ортиқ бўлган болалар кўпчиликни ташкил этди.

Беморлар ва/уларнинг ота-оналари томонидан тиббий марказга кириш вақтида билдирган шикоятлари таҳлил қилинди. Шундай қилиб, беморлар куйидаги муаммоларни билдирган: жисмоний ривожланишда орқада қолиш (30; 20,98%), оёқ-қўл деформацияси (10; 6,9%), оёқ-қўлларда оғриқ (17; 11,9%), тананинг семириб кетиши (10; 6,99%), умумий шишлар (51; 36,4%), заифлик ва тез чарчаш (112; 78,32%), нафас қисилиши (30; 20,98%) ва бош оғриғи (30; 20,98%), тана ҳароратининг субфибрил қийматларга кўтарилиши (32; 22,4%), бош айланиши (12; 8,4%), қусиш (17; 11,89%), қон босимининг кўтарилиши (21; 14,69%), ортиқча терлаш (12; 8,39%), бел оғриғи (16; 11,19%) ва қорин оғриғи (13; 9,1%), юрак оғриғи (6; 4,2%), нафас қисилиши (5; 3,49%), йўтал (5; 3,49%), кайфиятнинг ўзгариши (12; 8,39%), бурун қонамаси (5; 3,5%), полидипсия (10; 6,9%), тиришиш тутишлари (9; 6,3%). Урушиш вақтидан қатъий назар, 17 (11,9%) беморлар сийдикни ушлаб туролмасликдан шикоят қилишди, кечаси сийдикни ушлаб туролмаслик эса 12 (8,4%) ҳолатда кузатилди, сийдик миқдори камайган беморлар 23 (16,08%) нафарни ташкил этди, сийдик миқдори ортган беморлар 17 (11,9%) нафар, сийдикдаги ўзгаришлар (хусусан, хира бўлиш) 44 (30,8%) беморда кузатилди ва сийдикда қон борлиги 19 (13,3%) беморда аниқланган. Кўпроқ тунда сийдик чиқариш (никтурия) 5 (3,5%) ҳолатда қайд этилди.

Беморларда шикоятлар ва ХБК нинг неврологик асоратларининг клиник намоён бўлишига қараб, беморлар куйидаги асосий синдромларга тақсимланган:


31 (22,14%) бемор астеноневротик синдром билан, уларнинг ўртача ёши 12,76±0,53 йил. Касаллик давомийлиги 3,84±0,43 йил. Улардан 18 (58,1%) ўғил болалар ва 13 (41,9%) қиз болалар.

74 (52,86%) бемор энцефалопатия синдроми билан, уларнинг ўртача ёши 12,47±0,34 йил. СБК давомийлиги 6,3±0,29 йил. Улардан 52 (70,3%) ўғил болалар ва 22 (29,7%) қиз болалар.

35 (25%) бемор периферик нейропатия синдроми билан, уларнинг ўртача ёши 13,28±0,55 йил. СБК давомийлиги 6,26±0,76 йил. Улардан 9 (25,7%) ўғил болалар ва 26 (74,3%) қиз болалар.

Шуни таъкидлаш керакки, энцефалопатия ва периферик нейропатия синдромлари алоҳида учрамаган, яъни улар астеноневротик синдром билан биргаликда кузатилган.

